БАХШИ - ўзбек, коракалпок ва туркманларда халк достончилари шу ном билан юритилади. Бахшилар терма ва достонларини асосан огзаки шаклда ижод киладилар. Ўз асарлари ва халк достонларини дутор, дўмбира, тор каби асбоблар жўрлигида куйлайдилар. Улар устоз-шогирдлик анъаналари асосида етишиб чикадилар. Шунинг учун хам улар достончилик мактаблари атрофида бирлашадилар. Ўзбекистонда Кўргон, Булунгур, Нурота, Шеробод каби достончилик мактаблари бўлган. Хоразм-да хам бир неча достончилик мактаблари бўлиб, уларда йиллар давомида ўнлаб шогирдлар етишиб чиккан. Бахшилар ўз асарларини икки хил усулда ижро этадилар: Кўргон, Булунгур, Шеробод достончилик мактабларига мансуб бахшилар ички овоз билан дўмбира ёки дутор жўрлигида куйласалар, хоразмлик бахшилар тор ва бошка мусика асбоблари жўрлигида ташки овозлари билан ижро этадилар. Эргаш Жуманбулбул ўгли, Фозил Иўлдош ўгли, Мухаммадкул Жонмурод ўгли Пўлкан, Ислом шоир Назар ўгли, Абдулла Нурали ўгли, Берди бахши, Шерна бахши сингари кўпгина бахшилар номи юртимизда хурмат билан тилга олинади.